

Фойданинг макони қаерда?

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумидан кейин шахар саноатида янги бурилиш бошланди. Хўжалик юртишнинг янги усуллариға ўтиш борасида меҳнат коллективларида ҳар томонлама тайёргарлик кўрилди. Жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу борада муайян, конкрет вазифалар билан шуғулланиш бошладилар. Бу ишларға район партия комитетлари бошқоқ бўлдилар, бошланғич ва ҳар партия ташкилотларидаги ҳисобот ва саноатларда у бош мазгуда айланди.

Хўжалик ҳисоби ролиға аввало КПССнинг XXVII съездида қўйилган вазифаларни ўзи қўллаш, ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш, корхона мустиқлигини ҳар томонлама мустиқлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятида пировард натижа учун корхонанинг мустиқлигини ошириш принципларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилганди.

Хўжалик ҳисоби — шунчаки «қўлладингми—қўлладинг» қабилдаги энгил-ели усул эмас, балки том маънодаги иқтисодий ҳисоб-китоб билан иш юртида билишдир. Унинг «қонун-қондаларини» пухта ўрганиб олманг корхона раҳбарлари ва мутахассислари, бутун коллектив панд ёб қолиши мумкин.

Шу йилнинг август ойида «Тошкент оқшоми»да шахар партия комитетининг XII пленуми материаллари босилиб чиқди. Унда айтиш мумкинки, хўжалик ҳисобининг «алиф-беси» — корхоналари фан-техниканинг замонавий ютуқлари асосида техникавий жиҳатдан реконструкция қилиш ҳақида жиҳдий гап борган эди. Корхонаға мустиқликни берилганда у «иккала оёқида бемалол турши учун мустиқкам «пойдевор»га эга бўлиши керак. «Бу пойдевор» — корхонанинг асосий фондирид. Қарағи, шахар экономикасида—саноатда замонавий усуллар билан бир қаторда маънавий ва жисмоний эскирган асосий фондлар ҳам анчагина бор. «Айни вақтда, — дейилди пленум материалларида, — асосий фондлар актив қисмининг эскириб, пугурдан кетиб бо-риши ўсиб бормоқда ва у 39 процентини ташкил этади. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда янгилашиш коэффи-циенти кўймайлоти ва етти процент атрофида турибди. Машинасозлик корхоналарида эса бу кўрсаткич 8 процен-тин ташкил этади». Холбуки, партия XXVII съездида ҳар йили асосий фондлар актив қисмининг 10—12 процентини янгилаш вазифаси қўйилган. Пленумда ҳаққоний таъкидла-ниб ўтилганки, иқтисодчиларнинг ҳисоб-китоблариға қара-ганда шахримиздаги аҳоли ҳозирдакем кетаверса, саноат ишлаб чиқариш фондларининг батамом янгилашиши учун корхоналаримизға 15—20 йил керак бўлар экан!

Хўжалик ҳисобининг тўб талабларидан яна бири — ўз ҳаракатларини ўзи қўллаш, рентабеллик, яъни фойда олиш-дир. Фойда олиб ишлаш хўжалик ҳисобининг юрағидир. Ил бошида (биринчи қаватда) саноат корхоналари иши-ни таҳлил этиб кўрганимизда анча нохуш манзарға дуч келган эдик. Янги усулга ўтиб ишлаётган корхоналарнинг кўрсаткичлари ўши урғига пасайиб кетган эди: шартнома мажбуриятлари бўйича буюртмаларни етказиб бериш кўрсаткичи умуман шахар саноатидаги ўртача кўрсаткичдан пасайиб кетган, буюртмачиларға шахар бўйича етказиб берила-маган жами махсусот ҳажмининг салкам 90 процентини ўз-ўзи-ни маблаг билан таъминлашға ўтган корхоналар ҳисса-сига ўғри келди. Лак-бўёқ заводи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Автомобиль» ишлаб чиқариш бир-лашмаси сингари қўллаб корхоналар анчагача «оёққа ту-ролмади».

Кани, энди тўққиз ойлик натижаларни бир таҳлил этиб кўрайлик-ки: кимлар фойдаю, кимлар ҳамон «туш» кўриша-ётган экан!

Авалло, шунинг курсанда бўлиб таъкидламоқчимизки, XXVI шахар партия конференцияси шарафига шахар экономика-сида ишобий силкилар сари ҳаракат тобора эңқоқроқ се-зилляпти. Бунинг шунинг январи-сентябри ойларида фойда олиш бўйича қўзда тутилган план муваффақиятли адо этил-гани ҳам таъкидлаб турибди. Аммо корхоналар ишиға на-зар солсак, ҳали 28 та корхонанинг бу борада ҳамон «оқ-савтгани» маълум бўлади. Улар ҳар бир районида битта-ик-китадан бор. Масалан, Акмал Икромов районида — «Сигналь-ий» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва эргарлик заводи, Собир Раҳимов районида — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, Октябрь районида кўн-мўйна заводи, Собир Раҳимов районида — агрегат заводи, «Металлообработка» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Сергели районида — «Автомобиль» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фрунзе районида тўқимачилик комбинати, Ҳамза, Чилонзор районларида ҳам бир қатор корхоналарнинг инженер-техник ходимлари, иш-чи-хизматчилари ўз корхоналарининг кўпроқ фойда кўришле-рини иштамайди, деб ким айта олади!

Шаҳар бўйича хўжалик юртишнинг янги шароитлариға ўтган барча корхоналарда меҳнат коллективларининг ишлаб чиқаришининг пировард натижаларига қизиқишлари бекибс ошмоқда. Бу — табиий, албатта. Халқимизда «Жўжани куз-да санайдилар», «Ғалир сувдан кўтарилганда маълум бў-лади» деган нақиллар бекиб айтилмаган. Ҳамманинг кўзи ўша «кўз» билан «ғалир»да! Йилни жуа яхши ўсиш суръ-атлари билан (саноат махсусотлари тайёрлаш борасида) бош-лаган эдик. Буюртмалар бўйича шартнома мажбуриятини муттасил бажара олманг корхоналар сони 1987 йилдаги 41 тадан 1988 йил бошларида 21 тага, яъни икки баравар қис-қартирилган эди. Фойда бўйича ҳам плании удадалай олмаётган корхоналар сони каймагани ҳаммаимизи қувонтирганди. Айниқса бу борада шахримиздаги республика энгил саноат министрлигиға қарашли корхоналар иш мароми бошқа-ларға ўрнэк бўларди эди.

Мана, орадан 9 ой ўтган, яна «пировард-натижа»—олинган фойдаға қараб, кўп корхоналар ишидан курсанда, айрим кор-хоналар ишидан хафа бўлиб ўтирибмиз.

Биз ишидан унча кўнглимиз тўлмаётган — фойда олиш планини бажармаган корхоналарнинг ҳаммасини номма-ном санаб ўтирмадик. Негаки улар: «Хали ғалир сувдан кўтари-лишға яна 2 ой вақт бор» дейишлари мумкин. Май-ли, сабр таги — олтин, дейди халқимиз. Янги йилгача кутай-лик-чи, балки бу кўтишининг таги — нақд фойда бўлиб чиқар!

Х. ИКРОМОВ.

ДЕПУТАТ халқнинг ишонган вакили. Шундай экан, у ҳаминча сайловчилар ташвиши билан ишани керак. Уларнинг гамига ҳам, қўвончига ҳам шерик бўлиши, эл-юрт оғирини энгил қилиш йўлида жон-бозлик кўрсатиши лозим.

Акмал Икромов район Советининг депу-тати Алишер Соилов депутат бурчи тўғри-сдаги саволимиға ана шундай таъриф берди.

—Бу ҳақида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси материаллари ва Резолю-цияларида ҳам кўп гапирилди. Масалан, «Демократия кўпроқ, социализм кўпроқ бў-лиши, меҳнаткаш инсоннинг яхши ишани, мамлакатнинг улугворлиги ва бахт-саодати бизнинг мақсадларимиздир», дейилди кон-ференция материалларида. Ўз-ўзидан кўри-ниб турибдики, бу ерда сўз ҳақиқий ошқо-ралик ва инсон омили ҳақида бормоқда, жа-мийиятимиздаги инсон ҳуқуқлари бу кимнинг-дир инъомин эмас, балки социализмнинг ға-лабаси тўғрисида кўпга киритилгандир. Шун-дай экан, биз депутатлар инсон тўғрисида ўйлашимиз керак. Зеро, қайта қўришнинг ўзи инсон омили ва унинг ҳуқуқларига кенг эътибор беришни талаб қилмоқда.

Кўнглимизда мента ўзининг депутатлик фаолиятидаги кўп қаноат ҳосил қилас-симиз, деган савол берилади. Очтининг айт-са, қаноат ҳосил қилмайман. Бир қараган-да ҳаммаси яхши, иш силқиб бораётгандек туюлади. Лекин масалалар чуқурроқ ёйи-лашса, камчиликлар ҳам бўй-бўш бўй кў-рсатади. Хўш, улар нимагадир кўринади? Аввало, бу депутат ўз ишонияти ва ҳуқу-қидан тўлиқ фойдалана олмаслигида. Мас-алан, айтиялик, депутатга қайта йўлини ас-фальтлаш ёки боғча қўрилиши ҳақида на-каз берилди. Албатта, бундай кенг ҳажмли ишни депутатнинг бир ўзи ҳал қила олмай-ди. У шубу нақазнинг бажарилишида ёрдам

беришни тегинди. Ўрдалардан илтимос қи-лади. Бирок, афсуски, ҳаминча ҳам депу-татнинг гапи қўллаб-қувватланмайдир. На-тижада депутат сайловчилари олдида мул-зам бўлиб қолади. Шунинг учун конферен-ция материаллари ва Резолюцияларида Со-ветларнинг ролини оширишға қайта эъти-бор берилди. Жўмладан, «Партия ва дав-лат органларининг вазифаларини аниқ бел-гиллаб қўйиш ва кўнйидан юқоригача Со-ветларнинг тўла ҳошимиятини қайта тиклаш жуа муҳим аҳамиятта эгадир», дейилди конференция Резолюцияларида. Бас шундай

мен ҳам борман. Шунинг учун сента илти-мос билан келдим. Мен яшайдиган уй авари-ни ҳолатида. Шунинг ремонт қилишға ёрдам-лашворсанг, ўзим керакли жойларға бора-десан, қарилма қўйсин, имкон бермайсин.

Кўнглимизга тўғ бўлсин, албатта ёрдам-лашаман.

Айтилган сўз— отилган ўқ. Алишер ва-да беришга берди-ю, ўйлаиб қолди. Ахир ремонтни бошлаш учун қанча ташкилотлар-ға югурлиш керак. Уларнинг розилигини олгандан сўнг ҳам иш бошлатишнинг ўзи бўлмайди. Йўқ, ҳар қалай бу юмуш ҳамир-

—Нима қилай, ҳеч қаерға ишға олишма-йпти. Характеристиками ўқиб, ҳужжатла-римни қўлишға қайтариб беришди. Ҳар-гал, «Сизбон иш йўқ» деб ваъз қилишди, — деди у кўнйиб.

—Сенбон иш бизда бор. Мен билан қу-рилишда ишлайсан, розимисан?

—Иш оғирда.

—Оғир, лекин қўнйиса бўлади.

Шу кўнйи унинг розилигини олдим. Бу воқеаға бир йилча бўлди. Ҳозир Аҳадали ўзим билан бирга қўрилишда ишлайпти. Ил-ғорлар қаторидан ўрин олган. Ҳар қўрган-да мента миннатдорчилиги билдиради.

Энди депутатнинг касби ҳақида иккин оғиз сўз. У қурувчи бўлиб ишлайди. Эсини та-нибдики, қўрилишни ўйлар, шу соҳада ишлашни орау қиларди. Ўрта мактабни би-тиргач, тўғри қўрилишға келганининг би-си ҳам шундан.

Ҳозир у «Лавташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 50-қўрилиш бошқармаси-да катта прораб бўлиб ишламоқда. У бу да-ражаға эришгуча узок йўлни босиб ўтди. Шогирд бўлди, Ёштар турувчи бўлди, пай-ванчилик касбини ўрганди. Бу орада оналик бўлди. Тинибсиз меҳнат уни юксак пиллаволарға бошлади. Бригадир ёрдам-чиси, бригадир ва ниҳоят прораб бўлди. Депутат бош бўлган қурувчилар ақинда Нисоний номли Тошкент Давлат педагогика институту студентлари учун бир йўла ик-кита ётоқхона қўриб беришди. Ҳар бири 240 студентга мўлжалланган ётоқхона бинолари атоо сифатда тоширилди. Бу иш-да прораб Алишер Соиловнинг хизматлари катта. Еш депутат ишда ҳам, нақазларин бажаришда ҳам эл ишончини тўла оқламоқ-да.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Советлар ҳаёти: қарор ва ижро

Бурч масъулияти

экан, ҳал депутатининг обрўини қўтариш, сайловчилар олдида унинг ҳурмати-ни ошириш учун ғамхўрлик қи-лозим. Албатта, бу аввало депутатнинг ўзини, унинг тадбиркор-лиги, ишонинг қўзғини билишига боғлиқ. Ле-кин «Елғиз отнинг чанги чиқса ҳам донги чиқмас» деган гап бор. Агар уни қўпчилик қўллаб-қувватламаса, депутатнинг бир ўзи ҳар қанча югургани билан иш битмайди.

Депутат ҳақ. Ҳаётини мисолларға муро-жаат қилайлик. Бир кўнйи депутатга Ўлғу Ватан урушин қатнашчиси Икром Жамолов мурожаат қилиб қолди:

—Ўғлим, сента катта ишонч билдирган-миз. Сени депутат қўлиб сайлаганимиз. Ўша номзодининг қўллаб-қувватланган орасида

дан қил сугургандек осонгина битди. ЖЭУ-дагилар розилик билдиришди. Кўнйи ўтмай Икром ота квартирасида ремонт ишлари бошлаб юборилди.

Ушанда ота депутатдан бениҳоя миннат-дор бўлди. Лекин ҳаминча ҳам шундай бў-лавермайдик. Ҳамма ташкилотлар ҳам депу-татни дарҳол қўллаб-қувватлавермайдик.

—Бир кўнйи сайлов участкасидагилар мента тарбияси қўйиб бола Аҳадали Кари-мов ҳақида қайғуриб таъриб қолдишди. Ўр-тасига у яшаётган уйға бордим. Ингит би-лан суҳбатладим.

—Шикоят қилишбиди-да, — деди у мента нишонсизлик билан қараб.

Аҳадалига ётиги билан ҳаммасини ту-шунтирдим.



СССР 50 йиллиги номиди «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида Александр Фёдорович Шункин ўз ишиға масъулият ҳисси билан қараш, домало ўз зим-масидиға топиришларини ҳалол адо этиши ҳақида илқ гап-лар айтилмоқда. 26-ҳафта пешқадам бригадалардан бириға бошчилик қилаётган Александр Фёдорович ўзаро мусобақа-да яхши натижаларини қўлга киритишға интиломоқда.

С. РАДД: (чапдан ўнгга): А. Ф. Шункин, С. Ф. Шульжен-ко, Л. Д. Насибуллоевлар деталлар сифатини муҳокама қи-лоқдалар.

Р. Шарипов фотоси.

Суръат нега суст?

Сиз кўриб турган сурат-даги объект қўрилиши бош-ланишини чилонзорликлар роса йигирма йил озиқиб куттишганди. Ҳозир объект-да қўрилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилляпти. Бу ишда Ц. Б. Даяг етакчилик қилаётган 25 кишилик бри-гада азаматларидан Н. Л. Домрачев, Н. Д. Эргашев, Е. И. Баринов, Б. Н. Крю-ков сингари пешқадамлар айниқса катта ҳисса қўш-моқдалар.


Қаддини кўтараётган би-но яқин-атрофда истиқомат қилувчиларни қувонтиряпти. Бирок, қўрилишининг қорли-қировли кўнлар яқин-лашиб қолганиға қарамай ҳамон битмаётганидан улар безовталана бошладилар.

—Чилонзорнинг 19-ту-рар жой қаватлидаги 20 минг номерға мўлжаллан-

каватли қилиб тузиб чи-қилди. Бу эса ўз навбатида ишға таъсир этмай қолма-ди, албатта. Тўрттинчидан, қўрилиш муддати нўтўғри белгиланган.

Бош инженер сўзларида «жон» бор, негаки «Қури-лиш нормативлари ва қои-далари» китобида бундай бино қўрилиши 17 оғга мўлжалланиши аниқ ёзил-ган. Аммо ушубу қўрилиш учун бир йил вақт ажра-тишганда қаёққа қарашдий-кин?! Энди эса бино ўз вақтида тугалланмаганиги учун пудратчи буюртмачига жарима тўлашға мажбур.

—Биз ноҳақ жарима тў-ламаслик, шунингдек, қўри-лиш муддатини қўзишлари-ни илтимос қилиб шахар ижроия комитетига хат йўлладик. Маъқуллашса хўп, маъқуллашмаса...



ган бу автоматлаштирилган телефон станцияси қўрили-шини биз план бўйича шу йилнинг учинчи қаватлида ниҳоясига етказишимиз ке-рак эди, — деди 153-қури-лиш трести бош инженери Б. А. Хўжаев. — Бирок ишға ўз вақтида кириш-маганлигимиз (аслида бино қўрилиши бошланиши ўтган йилнинг сентябриға мўл-жалланган эди, бирок қури-лиш мазкур йилда бошлан-ган) ва таъминотчилар айби билан ишда узилишлар бў-лаётгани тўғрисида уни му-датидида тугата олмаймиз.

Ҳозир томға битум ёқи-зиш, ички тўсин деворлари ўрнатилиш қай ишлар билан шуғулланяпти. Кейин пар-долавлчиларимиз ишға ки-ришилади.

—Нега қўрилиш ўз му-датидида бошланмади?

—Биринчидан, — дея изъҳай бошладик бош ин-женер. — Қўрилиш трести-мизға қарашли 62-қўрилиш бошқармаси бошладик. Энди-лида улар ишнини 39-қури-лиш бошқармаси давом эттиряпти. Иккинчидан, котлован сувини қочирши ишларининг қўзишганлиги ҳалал берди. Учинчидан, олдинги тўрт қаватли қи-лиш нўтўғри лойиҳалашти-рилган бино бошқатдан уч

—Қўрилиш материаллари мунтазам етказиб бериб турилса, янги йилгача авто-матлаштирилган телефон станцияси янги биносини алоқачилар ихтиёриға топ-ширамиз.

Қўрилиш материаллари—биноқорлар олдидаги муш-кул муаммо. Олдидаги му-соло: ушубу қўрилишға бир ҳафтада нормадаги бетон-ини яримсигина берилган, холос. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Қурувчилар ишнини ҳам, таъминотчилар ишнини ҳам назорат қилув-чи битта ташкилот-ку!

—Қурувчилар янги 70, 71-АТС биноси қўрилишини тугатишса, 18 ой мобайни-да станция монтажи ва ли-ниядаги ишлар билан ало-қачилар шуғулланишди, — дейди Чилонзор район телефон алоқари бўлими бошлиғи С. А. Аъзамов.

Демак, 18, 19, 20-турар жой қаватлари, «Алго-ритм» массиви, «Мевас-ро» маҳалласи ва шу яқин-а-трофда истиқомат қилувчи-лар келгуси янги йил ичи-да телефон хизматидан фойдаланиш бахтиға муяс-сар бўлишди, деб умид қиламиз.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

СУРАТДА: қўрилатган янги АТС биноси.

Республика бўйлаб

«Ўзбекрезинотехника» бир-лашмасининг ишчилари ўз қўллари билан спорт комплек-си барпо этилди. Уларнинг илтимосиға кўра Ангрен ша-ҳар ижроия комитети корхо-наға янги микроайондан ер участкаси ажратди. Шу ерда стадион қурилади. Бу ерда фут-бол майдонидан ташқари югурлиш йўлқелари; волейбол ва гандбол майдончалари, гимнастика шаҳарчаси жой-лашди. Спорт комплексини оталиқдаги 29-мактаб юқори синф ўқувчилари билан бир-гада олиш кўнйлариди қурди-лар.

Чирчиқнинг тез қад кўта-раётган ўзини микроайони-да қурувчилар янги кўп қа-ватли фойдаланишга топишди-лар. Афғонистонда хизмат қи-лаган интернационал-янги-чиларнинг ўйлаб олинлари бу уйға кўнб кирдилар. Кварти-ралар 2—3 хонали бўлиб,

катта айвони бор. Запасға кетган йигитлар қурувчилар-ға ёрдам беришди: бўш вақт-ларида бетон қоримасини тайёрладилар, бўёқчилик ҳам-да дурадгорлик ишларини бажардилар.

Олмалик кон-металлургия комбинатининг меҳнатчилари ҳамда уларнинг Мансфелд (ГДР) шахридаги ҳамкасблари дўстлик алоқалари ҳақидаги шартномани имзоладилар. Техника янгиликлари билан доимо алмашиб туриш, мурак-каб ишлаб чиқариш маса-ларини ҳал этишда бир-бир-ларига қўмақлашиш кўзда ту-тилади. Германия Демократик Республикасида Олмалик қон-металлургия комбинатида иш технолоғияси билан таниш-дилар, социал соҳани рив-ожлантиришда дўстлар таж-рибасини ўрганидилар.

[ЎТАГ]

ЖОНАЖОН БАТАН БҒИЛАБ

© ТБИЛИСИ. Грузия геофизикларнинг тадқиқотлари ер магнитосфераси ҳолатини аниқроқ прогноزلашга ёрдам беради. Олимлар космосда «Об-хавонинг» ўзгариши сабабли магнитосфераси ҳолатини аниқроқ прогноزلашга ёрдам берадиган магнитогидродинамик тебранишларни аналитик таърифлаб бердилар ва ҳисоблаб чиқдилар. Ер магнитосферасига кўш шабдаси, космик заррачалар оқимининг таъсири натижасида унда мунтазам равишда мураккаб физик жараёнлар юз беради, бу жараёнлар, жумладан, магнитосфера куйруқ қисмида ўзгаришларга олиб келади. Грузия геофизиклари ана шу жараёнларнинг жумбоқларидан бири-ни аниқлашга муваффақ бўдилар. Бу эса олис радиолокацияларнинг гоёт ишончли бўлишини тасвиқлашга имкон беради.

© АРХАНГЕЛЬСК. Архангельск области деҳқонлари давлатга сазавот сотиш планини бажардилар. Тайёрлаш пунктлари ва савдо корхоналарига 32 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот етказиб берилди. Облагининг теплицалари ва очик майдонларида — жами 1421 гектар ерда сазавот экинлари етиштирилди. Ижарачилар, коллектив, оила ва яқин пудрат асосида ишлаётган сазавоткорлар маҳсулотни анча кўпайтирдилар. Деҳқонларнинг фойдани тушундиришнинг охиришга қаратилган комплекс тадбирлар, сазавот етиштиришнинг илгир технологияларини жорий этиш билан мустақиллаштирилди.

© УЛАН-УДЭ. Бурятиянинг энг олис Тунка райони овчилари овлоқ тайга сўмоқлари орқали ҳайвонларни овлашга биринчи бўлиб жўнаб кетдилар. Автоном Республика овчилари учун киши иссиқ уйчалар тайёрлаб қўйилган, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар келтирилган, рақиялар ўрнатилган. Бу йилги мавсумда кийик ва бошқа ҳайвонларни овлаш анча қисқартирилади. Бундай ҳайвонлар учун тайгадаги ялангликларда ем-ҳашак ва туз тайёрлаб қўйилган. Аммо «тайга ҳўжайинларини» кўпроқ овлашга рухсат этилади: Байкал бўйидаги тайгада резавор мевалар, қўзқоринлар ва бошқа озуқа ҳосили кам бўлганлиги сабабли қишда уйкуга кетмайдиган айқилар кўп бўлиши кутилмоқда.

Объективда—Москва



Зарядье — Москванинг марказидаги энг кўна тарихий районлардан бири. Унинг номи 16-асрдан, Қизил майдонда савдо расталари қурилгандан бери маълум. Аҳоли эса бу ерда 11—12-асрлардан яшай бошлаган. Турли даврларда ана шу ерда ҳўнармандлар, боярлар, Россия хизматидеги чет элликлар истиқомат қилишган. 19-асрнинг охири 20-асрнинг бошларида Зарядье қулбалар районуни айланди.

Бизнинг давримизда (60-йилларнинг бошларида) Зарядье территорияси реконструкция қилиниб, аҳолининг иморатлар бунёд ташланди. 1953—1977 йилларда районда барча меъморчилик ёдгорликлари таъмирланди. 1964—1967 йилларда «Россия» меҳмонхонаси қурилди.

Зарядье «Китай-город» қўриқхона зонасига қиради. Зарядьининг марказ бўлиши Разин кўчасида, деврлик ҳар қандам меъморчилик ёдгорликлари жойлашган. Черковлар, ибодатхона ва бошқа иморатлар шулар жумласидандир.

Тарих нафаси ўфуриб турувчи Москванинг аjoyиб кўна районини туристларни жалб этади. Улар меъморчилик дурдоналарини кўздан кечирадилар, выставка заллари, тарих музейи жойлашган черковларни зиярат қиладилар. Ерма-ён Қизил майдон ва Кремль жойлашган.

СУРАТДА: «Россия» меҳмонхонаси олдиде.

П. Носов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.



БУГУНГИ МОСКВА. Маркс ва Калинин проспектлари чорраҳасида.

А. Соловьев фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

© МСТИСЛАВЛЬ (Могилев области). Рус дйберида матбаа иши асосчиларидан бири, Иван Федоровнинг савдоши Мстиславлик Петрга унинг юртида дастлабки ёдгорлик ўрнатилди. Мстиславлик маърифатчи ватан маданиятини, рус замининда ва ундан ташқарида китоб нашр этишни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди: Москвада босмахонага асос солишда иштирок этади, 1564 йилда Иван Федоров билан бирга «Апостол» деган биринчи рус босма китобини чиқарди. Мстиславлик Петрнинг таълими олган ака-ука Николай ва Юрий Малиновскийлар ўз юртошларини ҳайкални ясадилар. Улар ўз диплом ишларини Мстиславль шаҳрига бу йил унинг 850 йиллиги нишонлангани муносабати билан совға қилдилар.

© УХТА (Коми АССР). Шимолда синодан ўтаётган МИ-26 маркали янги вертолётлар нефтчилар ва геологларга машина, ускуналар, ёқилғи етказиб бера бошлади. Паракли машина бир марта қатнашда 20 тонна — машхур МИ-10-К «хаво кранидан» таҳминан икки баравар кўп юк таший олади. Бунда юкларни олис жойларга ташиш анча эрзонга тушади.

© ВИЛЬНОС. Литва пойтахтида очилган тасвирий санъат кўргазмаси республика рассомларининг анъанавий кузги ижодий ҳисоботиға ўхшайди. Янги асарлар билан бирга бир неча ўн йиллар аввал чизилган ва ўз вақтида томошабинларга етиб келмаган асарлар ҳам илк маротаба намойиш қилинмоқда. Булар мамлакат тарихидаги аламли давларни фалсафий идрок этуви, хусусан Сталин репрессияси қўрбонларини ҳақида ҳикоя қилувчи рангасиз полотноларидир. Картиналар муаллифлари орасида адолатсизлигини шахсан бошидан кечирган, сургунда бўлган кишилар ҳам бор. Кўргазмага картиналарни ташлаш демократия тарзида ўтказилди: Союзнинг ижодий секцияси аъзолари муҳокамага жалб қилиндилар.

[ТАСС].



Оила — жамиятнинг бошланғич таянчи.

3. Ҳайдаров фототюбиде.

Ҳикматлар

- © Этикад назарий йўли билан сингдирилади, ҳулқ эса намуна кўрсатиш орқали шакллантирилади.
А. И. ГЕРЦЕН.
- © Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир.
Ж. ДАНТОН.
- © Тарбия, бу нисбатан кеясароқ авлоднинг ўз тарбияси, ўз эҳтироси, ўз эътиқодинини ёш авлодга топшириш демакдир.
А. С. МАКАРЕНКО.
- © Мактаблар кўпчилига қарамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди.
Н. М. КАРАМЗИН.
- © Илк тарбия ҳамма нарсадан муҳим бўлиб, у шубҳасиз, аёллар гардинидир.
Ж. Ж. РУССО.

«Тошкент оқшомининг» шу йил 27 август сониде эълон қилинган Мусакўл Усмоновнинг «Рашк» мақола-сига кўплаб оқшомхонлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб мактуб йўллашди. Жумладан, Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл шаҳридан Гулнора Қаршибева: «Мақола жудаям маъноли чиққан, аммо фақат аёлларни рашк қилади дейиш ўринлимикин», деб эътироз билдирган. Шу мазмундаги хатни медицина ҳамшираси Фотимахон Абдуллаева ҳам йўллаган. Редакция ушбу мазмунда қайтиб, мақола муаллифидан бў эътирозларини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

Хўрматли Гулнорахон ва Фотимахон, биз фақат аёллар рашк қилади, деган фикрдан узоқдасиз, балки рашқнинг ҳулқ эркин, ҳулқ аёл бўлини, кўнгилсиз оқбатларга олиб келиши ҳақида фикр юртганимиз. Рашк балоси қамраб олган ҳар қандай кишини, ҳулқ аёл бўлини, ҳулқ эркин бўлини қатъий назар, қатъий азоблайди, бутун жисминини ёндиради. Рашк асоссиз, далилсиз гумонлар жазавасининг кўтиришидан бошқа нарсасиз эмас.

Ҳаётда шундай воқеалар ҳам бўлиб турадики, эшитиб, бекхитёр ёқинини ушлайсан. Биз қанчалик ҳўламайлик, барбир ҳаётда ноқаслар, номардлар учраб туради. Мартабаси улугулини, дўсти-биродарларни ўртасида обрў-эътибори ошиб бораётган кишилар ана шундай нополарга нишон бўлмоқда. Улар рақибининг рашка мийилингидан устомонлик билан фойдаланиб мақсадларига етмоқда. Мана, Аҳмаджон ҳам иш жойида ўзининг ибратли фазилатлари ва меҳнатсеварлиги натижасида жамоатчилик эътиборига тушиб қолди. Бундан ичи қора ҳамкасбининг пайтавасига кўрт тушиб, ўч олишни режалайди. Қараски Аҳмаджонда рашка мийилик белгилари мавжуд. Ушбу ҳолат ҳақида ноқаснинг тичини бузиб, турли хил йўллари ахтаришга тушиб. Тақдирнинг тақозосини қаранг-ки, кунларнинг бирини ана шу ҳаёдаўйнинг чироғи роса бемой ёнди. Воқеа бундай кечди. Аҳмаджоннинг оиласи Роҳила «қаҳрамонининг» хотини Жамила билан бир коллективда ишларди. Жамила кечки пайт эрига эртага туш-

Илгариги мавзуга қайтамиз
Яна рашк ҳақида

ки овқат вақтида Роҳила билан «Марварид» («Жемчужина») магазинига боришлари кераклигини айтиб, бирга ишлайдиган Салимжон олиб борадиган бўлди, деб қолди. Бундай қўлай вазиятни анчадан бери кўтиб юрган нопол дил дарров ишга киришиб кетди.

Машикада Аҳмаджонга Роҳиланинг «беҳавелик»ларини рақам этди, «Агар ишомансизга мана бутун, соат 13.30 ларда «Марварид» магазинига келинг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз», деб эртаси эрталаб ушбу хат Аҳмаджонларнинг почта кутисига ташланди. Аммо бу ишнинг ярамис эди ҳали, чунки ўзининг хотини ҳам магазинга бориш керак-ку! Эй, бунини йўли осон... Ҳеч бўлмаса эрта-роқ бориб директордан жавоб олиб кетади-ку. Мана кўрингизми! Номард-у, ноқаслар ҳеч қандак пасткашликдан қайтмайдилар... Аҳмаджон ишга кетиш ол-

дидан ҳар кунги одатига кўра почтани аъзойи-бадани ўқиб бутун аъзойи-бадани титраб кетди. Кўз олдидан ширин-шакер ўйил-қизчалари ўтди. Лаблари пичирлаб, фақат «Наҳотки, наҳотки!» деб ўз ёнига ўзи қоврилди.

Аҳмаджон бетоқатлик билан соат 13 ни кутарди... Ҳе, қайси кўз билан қарасинки, Салимжоннинг ороқ «Жигули»сининг орқа ўринидан Роҳила тушиб келарди. Шундан кейин нима бўлганини Аҳмаджон эслаб олмади... Аёл кишининг чинқирғини, кимнингдир «Аёл кишига қўл қўтгани уялмидингизми!» дегани қўлоғига қалинди, холос.

Мўмин-қобил, одобли Аҳмаджон ана шундай қилиб безори, муштумўзга айланиб қолди. Ҳеч шубҳасиз бу оилани «кичик драма» беиз қолмади. Аҳмаджон маъмурият томонидан жазоланди, оиласи совуқлик тушиб, кўнгилхирек паллак ёзди. Лекин унинг ҳеч қандак асоси йўқ, бесабоб, отинг ўчур рашк деган балонинг вазасаси дилларни хуфтон қилди.

Қонунларда инобатга олинмаётган бундай қалб ўғриларига барҳам бериш пайти келди. Кўз олдидега келтиринг. Агар биронинг бир сўмини ўғирласа, уни жазолайдилар. Аммо қимматлиги жиҳатидан бебаҳо ҳисобланган инсон дили топталса, хонавайрон қилинса, у жазоланмай қоляпти. Аммо шунини эътиборда тутиш кераки, ўзининг фарзандига, турмуш ўртоғига хийнат қилган, уларни азоблаган кимсига ишониб бўлмайди.

Ҳаётнинг «тошу-тарозуси» бор» деганларидек, қасддан, сунъий ташкил этган бундай рашқнинг «муаллиф»лари ушбу қаллобликлари учун албатта қилмишига яраша жазосини олади.

Мусакўл УСМОНОВ,
Халқлар дўстлиги ордени
Тошкент халқ ўйнағилини институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.

УМИДА қабулхонага кирганида, котиба қиз ўз ўрнида йўқ эди. Умида бошлиқ кабинетининг дубдан ишланган эшигини «О. Р. Акбаров» деган ёзувини аҳолиятсизгина ўқиб котибани кутишга сабри чидамай бошлиқ ўтирган хонанинг эшигини очди.

Тўрдаги столда ўрта ёшлардаги оқ халат кийган киши телефонда асабий гаплашар, бир нималарни ёзиб оларди. У Умиданинг кирганини сезмай қолди. Аёлнинг юраги «шиг» этди: «Одил акайми?». Томоғига бир нарсаси тиқилгандек бўлди. Акбаров ялт этиб Умидага кўз ташлади-да, шошиб, «Бир оз кутиб туринг, оша», деб кўли билан стулга ишора қилди. Умида эса шошиб пишиб қабулхонага қайтиб чиқди. Ҳаяжонини боса олмай деворга сунди.

— Олажон, мазангиз қочимми? Ўтиринг! — котибанинг овози уни ўзига келтирди. Қиз бир пиёла сув узатди. — Ичинг.

— Бошлиқларнинг олдидега кирмоқчимидингиз? Берақолинг, пўтёвангизга ўзим қўл қўйдириб чиқаман.

Умида йўлнамани узатди. Қиз бир зумда тўғрилаб чиқди.

— Раҳмат синглим, — деди Умида, —

Турмуш чорраҳаларида

Булут ортидаги ой

Умида бундан қанча қувонса Одилжоннинг кийимидан шунча изтироб чекар эди. Буни она пайқадмай йўқми, Одилжонга совға сифатида бош-оёқ сарпо сотиб олди. Фақат уни қандай бериш она-боланинг олдиде муаммо бўлиб туради. Бу муаммони эндигина курортдан қайтган отаси Толиб Тўраевич ҳал қилди.

— Сизни, ўз ўғлимдек кўриб, курортдан совға олиб келдим.

— Раҳмат. Овора бўлибсиз-да. Мен...

— Ўғлим дейман, олмасангиз хафта бўламан.

«Ўғлим» деган сўз Одилжонни ҳаяжонга солди. Ноилжон олди.

«Қизим тушмагур насли-насаби паст йигитни севиб қолди» деб ташвишланди она. Олдини тезроқ олишга киришди. Қизига турли насиҳатлар қилди. Ўзининг баъзи камбағал қўшнларининг ҳаётини солиштириб қизига мисоллар келтирди. Умидаҳон баъзан онасининг гапларида унча-мунча ҳақиқат борлигини сезар, шу билан бирга Одилжондан ҳеч қачон кечолмаслигини ҳам ҳис этарди.

— Агар,—деди бир кун Хонпошша,—шу, Одилжондангдан бошқага унамайдиган бўлсанг айт, ичкўёв бўлсин, лекин у хароба ҳовлига сени ҳеч қачон бермайман! Гап тамом!

Умидаҳон бу гапни Одилжоннинг Москвага учиб кетиш олдидан учраганида айтди.

Азизим, агар билсангиз ўқини сиз туфайли давом эттирмакчиман. Сизга муносиб ёр бўлмоқчиман. Сиз ҳам тутатинг. У ёни бир гап бўлар. Онам шўрлик «Қачон уйимга келин тушираркинман» деган умидада. Сиз доно қизсан, ўқини дабдалаларга учманг.

Умидаҳоннинг бундай райиратибавий аҳволи онани «Тезроқ эрга бериш керак», деган фикрга келтирди. Ота-она маслаҳатлашиб уни, онасининг ибораси билан айтганда «баланд дор»га фотиҳа қилишди. Фотиҳадан кейин онаси уни уйдан чиқармай қўйди. Умидаҳон аламини кўз ёшдан олди. Одилжоннинг хатларини қиздан яширди. Умидаҳоннинг бошқа, бадавлат оиласида узатиб юборишди.

Умида ҳашаматли, ички-ташқи ҳовлини аjoyиб келин бўлди. Энди «остонаси тиллодан» уй уники эди. Дастлаб ширин сўз бўлган Турғунхўжанинг қилиқлари чиқа бошлади. Умиданинг ўқини ҳам қилиб кетди. Уй юмушлари, қайни-сингилларини кутишлар, Турғунхўжанинг ийиқликлари Умидани тобора эзиб бора эди. Бунинг устига фарзандсизлик... Оқи-оқи, қизили қизил бўлиб парпираб юрган Умидаҳон анча буюклиб қолди.

Одилжон билан бўлган бутунги учрашув бир азобини ўн қилди. Умидаҳон учун гўё ҳаёт тугабетгандек, аяшнинг маъноси қолмагандек туюларди...

Умида ҳаёл билан қандай қилиб уйга етиб келганини билмай қолди. Эшикдан кириши билан қайнонасининг фарёдини аштитди.

— Қаерларда юрибсан, саёқ келин?! Шумқадам экансан. Болагини сенга уйланиб на фарзандлик бўлди, на рўшнолик қўрди. Охири қаматлинг-а!

— Нега? Нима учун қамалди?

— Нима учун эмиш? Сенга пул топаман деб қамалган-да, шум қадам. Вой, болагини!

Умидаҳон гангирб уйига кириб кетди. Ўзини қаровотга отиб қон йиғлади. Кейин шартта ўриндан турди. Холодильникдан сиркани олди. Ўтириб шоша-пиша хат ёза бошлади. Унинг кўз ёшлари қорозга томиб турди.

«Азиз, муҳтарам Одилжон ака! Агар илони бўлса мени — гуноҳкорни кечирингизини илтижо қиламан. Бу меннинг охириги илтимосим, қабул этинг! Қон йиғлаб ёзаяпман. Фақат сизнинггина эмас, мен ўзимни ҳам бахтсиз қилдим. Инсонлар ҳаёти учун узоқ аяшнингизни умид қиламан. Алвидо, меҳрибон Одилжон ака!»

Хатни конвертга солиб, адресини ёзиб кўчага ошиқди. Хатни қўйиши Лобархоннинг қизига топшириди-да, бироз қувлагандек уйига келиб, сиркани ичиб юборди...

Унинг аъзон-бадани ёнар, томоғидан ўчичаётганга ўхшарди. Чидамай ёқасини йирта бошлади. Шу чоқ уни яниб уйга кирган қайнона аҳволни кўриб, додлаб юборди. Телефонга ташланди...

Одил Расулжоннинг кўринишчи вакоҳатини кўрган касалхона бош врачни чўчиб тушди. Гоҳ унга, гоҳ бирга келган Лобархонга боқди.

— Тирикми?! — деб сўради Одил Расулжон саломини ҳам унутиб.

Бош врач шоша-пиша «Тирик, тирик профессор! Сақлаб қолдинг!» деди.

— Умидаҳон! — деди Одил Расулжоннинг секингина. Умидаҳон кўзини очиб Одилжонга тикилди. Одилжон Умидаҳон томон эгилди. Аста қилиб Умидаҳоннинг қўли устига қўйиб, беозоргина сийлади.

Овозда ТўЛАГАНОВА.

Китоблар оламида

«Х а ё т н о м а»

Шоир Набиҳон Хўжаев — Чустийнинг (1904-1983) номи шеърини илхосмандлари орасида машхур. Таниқли шоирнинг юзлаб шеърлари аллақачон халқнинг севибли қўшнларига айланиб кетган. Гафур Ғўлом номидеги Адабиёт ва санъат нашриёти севибли шоирнинг Чустийнинг «Хаётнома» девонини босмадан чиқарди. Қўйида шу китобга кирган ғазаллардан бирини ўқисиз.

ЧУСТИЙ.

Булбулигўё дема

Билмасанг сўз маънисини ҳар сўзни бемано дема, Кўрмаган хобингни сен беҳуда бир рўё дема. Сўзга берсанг майли пардозу бўяб қўйма уни, Қалби сайқалсиз бўлган юзини сен зебо дема. Қанчалик кўп бўлса илм, қанча кўп сўз билса ҳам, Билмаса эл маънисини недур, уни доно дема. Гар десанг олтин гапнингини бўлмасини сийқа чак, Сийқа гапларни хўшомад аялабон тилло дема. Майналар ҳар шоҳда булбулларга тақилд аялағай, Майна бўлма, сен уларни булбулигўё дема. Дўстлик қанқоқларин меҳр ила сероб этмаса, Бу қабри қуруқларини дили дарё дема. Маъини тоқидега узумга етмаса бўйинг, агар, Гўр экан деб тулқидек, гўр сўзларинг асло дема. Жаҳл чиққанда келур жоҳилнинг оғзидан қўйиб, Бу қозон ичра валақлаб қайнаган ҳалво дема. Эл кўзидега ўйнашур паррандалардек бембо, Айб эмасму сен уни одам дема, асло дема. Ким деса бас қил, ёмон хулқингизни қўй, бул одамий, Унга раҳмат де, сира бу тўхмату нго дема. Тўдмиз элга гўл узиб, Чустий, ғазал гўлзоридан, Гар муаттар бўлмаса ҳаргиз гўли рўёно дема.

Р. Шарипов фототюбиде.

— Одам фақат ша-
ҳар олиш ёки олим
булиш учун ўқимайди,
ахир. Майли ишласин,
рўзғорга нафи тегсин,
аммо ўқшин чала
қолмасин. «Харф та-
ниб, ёзишга ўрганди»
дейсиз, бу ўқинишли
дегани эмасда, амаки
Ҳисобни, тарихни,
рус тилини, жуғрофия-
ни чуқур билсин. Жа-
миятимизда ўз ўрнини
топсин. Ахир илмга

— Одам фақат ша-
рҳи олинш ёки олин-
миш учун ўқимайди,
кир. Майли ишласин,
ўзғорга нафи тегсин,
имзо ўқиниш чала
олмасин. «Харф та-
би, ёзишга ўрганди»
дەйсиз, бу ўқинишни
тегани эмасда, амаки,
исобин, тарихини,
с тилини, жугрофия-
ни чуқур билсин. Жа-
натиимизда ўз ўрнини
билсин. Ахир илмга

сиз, Қишнинг изгирини
қунади. Ўтин, кў-
мир оз берилган. Ту-
нлар синф хоналари
музлаб қолади. Эрта-
лаб болалар дарсга кели-
шади. Чорасини топ-
маса бўлмади. Ўқув-
чилар дарсда совуқ
қотмасин деб ўқитув-
чилар идорама-идора
юрб кўмир ундирив-
шади, дарсдан кейин
тўнка ва дарахт шох-
ларини келтириб арра-

қашди, шаҳар ва
қишлоқларда ҳаловат
йўқолди. Кўп ишлар
кексалар, аёллар ва
болалар зиммасига
қолди. Мутал ҳам
қабрий комиссариатга
борди, фронтга юбо
ришларини сўради
«Керак бўлсангиз ча
қирамиз», — дейиш
ди у ердakilар. — Ҳо
зир ишлаб турин
Муаллимнингни даво
этираверди. Ниҳоят
1942 йили у ҳам са

Совет Армияси сар-
фидан бушатилгач, ил-
гари ишлаган Нарин
монов номли мактабга
қайтди. У ерда икки
йил ишлаб, 1947 йили
Октябрь районидagi
40-мактабга илмий му-
дир этиб тайинланди.
Ушa йили у Комму-
нистик партия сафига
қабул қилинди. Кейин
95-мактабга ўтиб иш-
лади.

Янги ўқув йили бошланишига озгина қолганди. Мутал ақани Октябрь район халқ маорифи бўлимига чақиринди. Борди. У ерда шаҳар халқ маорифи бошқармасидан келган вакиллар ҳам ўтиришарди.

— Районимизда таърибали, билими чуқур педагог-раҳбарлардан бири ҳисобла-

Мақтаблар кенгайиб,
ўқитишга талаб ошиб
боряпти. Ишни била-
диган, ғайратли рах-
барлар керак, 85-ўрта
мактабга директор
тайинлаш масаласида
йиғилгандик. Ҳамма
сизни муносиб кўряп-
ти. Хўш, нима дейсиз,
розимсиз?

Мутал ака дарров
жавоб қайтармади, ўй-
ланиб қолди: «Мақтаб
катта, ўқувчиси кўп,

яраша. Қиянн булма-
синкин? Майли, ийонин
топширишяптин, оқ-
лаш керак. Бу ёғи ки-
шининг ўзига боғлиқ.
Эпдолмайман деган
қолиб кетаверади, ке-
йин қараб туришмас,
муҳими, коллектив би-
лан тил топишиб ол-
сам бўлгани».

Биринчи кунданоқ
мактаб ремонтига эъти-
борни кучайтирди.
Биринчи сентябрь
яқин, ўқувчилар кел-

лари (докторлари Абдулла Дадаҳужаев, Эркин Қосимов, СССР Бадий академиясининг мухбир аъзоси Фарҳод Турсунов, юридик фанлари кандидатлари Анвар Иноят, Шўҳрат Қосимов, тарих фанлари кандидати Хурсанд Мелиқузиёв, филология фанлари кандидатлари Рихсия Исмоилова, Машҳура Шукурова... Бундай фамилия

Тўлқин РАСУЛЕВ,
Равшан
БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: Мутал
ака Маднипов неваралари билан.

Р. Альбеков фотоси

— 32-54-19; совет қури-
алоқа — 33-08.74, 32-57-84;
гал қурилиши — 32-58-85;
арбий-ватанпарварлик тар-
хатлар ва оммавий ишлар
яси — 33-99-42, 32-53-66;
нлар — 33-81-42.